Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 57 (9.249) 1999 йил 19 май, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда




«Биз XXI аср бўсағасида турибмиз, биз янги буюк ишлар олдида турибмиз. Сиз билан бизнинг вазифамиз давр олдимизга қўяётган барча талабларга муносиб жавоб қайтаришдир. Истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этиб, халқимизга тинч ва фаровон турмушни таъминлашдир, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб қолишдир».

**Ислом КАРИМОВ**



*Пойтахт XXI аср бўсағасида*

# ОНА ШАҲРИМ — ТОШКЕНТИМ!

Бугун барча ўзбекистонликлар билан XXI асрга одим ташлаётган она шаҳрим — сенинг таърифингни келтиришга тилим лол. Қай биридан, нимадан бошлай? Сенинг боғу бўстонларинг, яшил бойликларингни куйлайми? Ёки кўкка бўй чўзган осмонўпар биноларинг, кенг ва нурафшон кўчаларинг, бири-биридан гўзал иншоотларинг, маданий марказларинг, сўлим оромгоҳларинг ҳақида сўз юритайми? Истиқлолимизнинг саккизинчи йилида саксон йилликка тенг юмушлар бажариб қўйилган бўлса, уларни таърифлашга шошиб қоларкансан киши.

Она шаҳрим, бугун сенга дилдан шеър бағишлаб мадҳингни куйлагим келади. Лекин машҳур шоирларинг аллақачонлар сенинг мадҳингни оламаро таратиб қўйган бўлса, мен бир оддий қаламкаш у устозларга етказиб сўз айта оламанми?

*Ассалом, улуғ халқ — ўзбегим,*
*Дили пок, қутлуғ халқ — ўзбегим,*
*Ассалом, ҳур тақдир — истиқлол,*
*Иқболим, шарафим ўзлигим.*

Бундан ошириб яна нима дейиш мумкин?

Она шаҳрим, гарчи ёшинг минг йилларга бориб тақалса-да, сени эндигина дадил қадам ташлаётган ўғлонга ўхшатаман. Чунки истиқлол ёшинг саккизга тўляпти. Бугун ҳамманинг қалби ғурур ва ифтихор туйғулари билан лиммо-лим бўлиб турибди. Сенинг кўчаю хиёбонларингни кезиб беихтиёр хаёлга толаман. Заҳматкаш ва меҳнаткаш халқимизнинг қисқа муддат ичида бажарган буюк ишига, бунёдкорлигига қойил қоламан. Ўз вақтида бобомиз соҳибқирон Амир Темур **«Кимки қудратимизга шубҳа қилса, қурган биноларимизни келиб кўрсин»,** деб башорат қилган эканлар. Юртбошимизнинг бу сўзларни қайта-қайта такрорлашларининг ҳам боиси бор. Чунки Истиқлол йилларида бунёдга келган улкан қурилишлар, ўзгаришлар ҳар қандай таърифу тавсифга сиғмайди.

Бутунлай янги қиёфа олган Амир Темур хиёбонида буюк саркарда соҳибқирон ҳайкали пойида туриб, уни бунёд этишда қатнашган ижодкору қурувчиларга, теварак атрофни чароғон қилиб қўйган қўли гул кишилар меҳнатига тасаннолар айтгим келади. Куни кеча зўр тантана билан нишонланган Хотира ва Қадрлаш кунини эсласам дил тубидан сенга тасаннолар ёғилади. Шу майдонда яратилган катта бир ёдгорлик мажмуасининг бунёд этилиши ҳам сенинг номинг билан боғлиқлигини эслай туриб, ғурур ва ифтихор туйғуларига чулғанаман. Мустақиллик майдони. Байроқлар, байроқлар, сон-саноқсиз байроқлар. Гўё ким ўзарга осмонга сув пуркаётган фавворалар жилоси салобатли майдонга янада ҳусн бахш этиб турибди. Сайилга келган одамлар, оналарнинг этагидан тутган кичкинтойлар юзида қувонч.

*Қуррада ҳилпирар, байроғим,*
*Осмоним сингари зангори,*
*Одамзот — ҳеш, уруғ, аймоғим,*
*Чин дўстлик — халқимнинг шиори.*

Сайилгоҳ кўчаси бўйлаб аста қадам ташлайман. Бугун ўз номига мутаносиб бўлиб тушган ушбу кўчанинг жамолига боқиб тўймайсан. Бир томонда халқ сайиллари, бир томонда ошхоналар. Эҳ-ҳе қай бирининг таърифини қилай буларнинг?!

Бугун Анҳор соҳили ўзгача қиёфа кашф этибди. Канал ўртасига ўрнатилган тўрт фаввора гўё мустақиллигимизга нур бағишлаётгандек камалак нусхада товланади. Унинг ўнг томонида эса «Туркистон» саройи салобат тўкиб турибди.

Қайдандир қулоғимга элас-элас **«Тошкентим онам, сендан қанча узоқлашсам кўзларимда нам»** деган оҳангли сўзлар чалинади. Ахир бу сўзлар жабр-зулм ва истибдод туфайли киндик қони тўкилган юртидан қувғин қилинган қанча-қанча жаҳонгашталарнинг дили ва тилидаги бир умрга арзигулик армони эмасми? Бу жарангдор оҳанглар Ватанидан узоқда юрган, кеча-кундуз унинг иссиқ оғушига интилаётган минглаб ҳамшаҳарларимизнинг орзу ва эзгу тилаги эмасми? Шундай дейману ўйланиб қоламан. Беихтиёр кўз ўнгимда 16 февраль воқеалари бутун даҳшати билан намоён бўлади. Она каби мунис ва меҳрибон Ватани тузини ичиб, тузлуғига тупурганлар, инсонпарвар, юртпарвар Президентимиз жонига қасд қилиб дарбадарликка юз тутган газандалар қилмиши жони жаҳонимни ўртайди. Ё тавба, уларнинг қандай қўллари борди экан, бу қабоҳатга? Хўш, оқибати нима билан тугади? Нима мурод ҳосил қилдилар? Эларо юзлари қора бўлди, холос. Нафақат ўзларига, балки тетапояликдан катта қилган ота-оналарига ҳам тавқи лаънат ёғдирдилар. Ўзлигини англамаган, мустақиллик, тинчлик ва меҳр-оқибатнинг қадрига етмаган, кун сайин обод ва фаровонлашиб, жаҳон бўйлаб шуҳратинг таралаётганини кўролмаётган бу кимсаларнинг кўзлари кўр бўлиши керак-ку ахир. Бу албатта барчанинг, ўз диёрини жон дилдан севган, унинг истиқболи йўлида яхши ният билан терлаб-пишиб ғишт қўяётган инсонларнинг дуоси. Зеро, падаркушнинг қилмиши ҳамиша мана шундай аянчли якун топган. Ачинарлиси шундаки, она шаҳридан қанча узоқлашган бу кимсаларнинг кўзларида соғинч нами эмас, балки, қаҳр ғамини кўриш ташвишлидир.









Она шаҳрим бугун ўзгача қиёфа кашф этган Олой, Эски Жува, Қўйлиқ ва ўзга деҳқон бозорларингга ташриф буюрган киши ҳайратдан ёқа ушлайди. Қисқа муддат ичида тамоман янгиланган миллий кўринишдаги ҳунармандчилик ва савдо расталари аждодларимиздан мерос бўлиб қолган зебу зийнат буюмлари ва мева-чева маҳсулотларига лиммо-лим. Ахир бу фаровонлигимиз нишонаси эмасми?!

Сенинг меҳнаткаш ва заҳматкаш боғбону миришкорларинг бор экан, ҳеч қачон юкинг ерда қолмайди. Шу ўринда ҳамма ўзича талқин қиладиган бир ривоятни эслагим келди. Эмишки, кўчадан ўтиб бораётган кишининг кўзи терлаб-пишиб дарахт экаётган бир нуроний мўйсафидга тушибди, шунда у ёшини яшаб, умрини ошаган чолга раҳми келиб: «Отахон, бекорга овора бўлиб нима қиласиз? Бу экаётган ниҳолингиз қачон катта бўладию қай пайт ҳосилга киради? Унинг мевасидан баҳраманд бўлиш сизга насиб этадими, йўқми?» деганида, чол кулиб: «Эй меҳрибон йўловчи, мен ўзимни эмас, келгусини ўйлаб иш тутаяпман. Балки сен айтгандек бу дарахтнинг мевасига оғзим тегмас, лекин мендан кейин қолганлар ундан баҳраманд бўладилар-ку. Мана шунинг ўзи Оллоҳнинг менга ёғдирган марҳаматию раҳмати эмасми? Мана шунинг ўзи ҳар қандай тотли неъматдан минг чандон афзал эмасми?» деган экан. Буни шарҳлаб ўтиришга мутлақо ҳожат йўқ. Қиссадан ҳисса ҳам беш қўлдек аён. Яхшиликнинг умри боқий. У ҳеч қачон унутилмайди.

Она шаҳрим, ишончим комилки, сенинг ардоқли, толмас ва фидокор Йўлбошчинг, бунёдкор халқинг, фаровон ва ободлигинг йўлида меҳнат камарини белига маҳкам боғлаган, ҳамшаҳарлари ҳурмати ва эъзозига сазовор бўлган фидойиларинг бор экан, сен кун сайин ҳусн очиб бораверасан. Асрлар оша номинг ва шонинг тилларда достон бўлаверади.

Бугун эрта тонгдан шаҳар кезиб олган таассуротларим бир жаҳон. Радиодан мадҳингни тинглай туриб бехиёс тўлқинланиб кетаман.

*Тонг билан янграйди Мадҳим,*
*Порлайди юксакда қуёшим,*
*Эл кўркам, йўл кўркам, дил кўркам,*
*Карвонинг бошлайвер Юртбошим!*

Бугун яна бир нарсани тилга олмай иложим йўқ. Чунки бу йил абадий гўзаллик тимсоли бўлмиш Аёллар йилидир. Асрлар оша аёл — ҳаёт, севги, гўзаллик тимсоли бўлиб келган. Бироқ, замонлар ўзгармоқда ва аёл илгаригидек таъзимга лойиқ саналса-да, ҳаётда фаол роль ўйнаш, етакчилик ўрни учун ўз ҳуқуқларини тобора қатъийроқ билдираётганлиги ҳар биримизни хушнуд этади.

Она шаҳрим, сенинг фидойи ўғлинг, оддий бир фуқароинг сифатида таърифингни рўй-рост келтиришга уриниб кўрдим. Бу ишни қанчалик уддасидан чиқдим, бу менга қоронғу. Аслида сенинг мадҳингни битиш ва куйлаш учун қанча-қанча бедор тунлару йиллар керак бўлади. Буниси менга аниқ. Шундай экан, сенинг шаънингга эҳтирос ила юракдан айтган дил сўзларимни меҳринг оғушида камол топган фарзандинг машқи сифатида қабул қилишингни истардим. Мана шунинг ўзи мен учун катта бахт.

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*Ёзги таътил*

# КЕНГАШ БЎЛИБ ЎТДИ

***Маълумки, Тошкент шаҳар ҳокими ва шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раёсати «1999 йилнинг ёзги таътили даврида болаларнинг дам олиши ва уларни соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида» қўшма қарор қабул қилган эдилар. Пойтахт ҳокимлигида мазкур қарор бажарилишининг боришига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.***

Туман ҳокимларининг ўринбосарлари ва касаба уюшмалари тармоқ қўмиталарининг раислари, қатор идора ва муассасалар раҳбарлари иштирок этган мазкур кенгашда шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи **Ҳ. Йўлдошев,** шаҳар Касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари **Ф. Рўзибеков** ҳамда шаҳар Санитария ва эпидемиология бош бошқармаси бошлиғи **С. Саидалиев**лар болалар оромгоҳларини ўқувчиларнинг ёзги таътили бошланишига тахт қилиб қўйиш бўйича тайёргарликнинг бориши ҳақида ахборот бердилар.

Кенгашда сўзга чиққанлар қўшма қарорда ёзги таътилни уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича белгиланган вазифаларни бажаришда катта иш олиб борилаётганини таъкидлаш билан бирга, бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни ҳам айтиб ўтишди. Жумладан, болалар оромгоҳларини зарур инвентарлар билан таъминлаш, оифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериш, тиббий назорат ва хизмат кўрсатиш, зарур дори-дармонларнинг вақтида етказилиши, соғломлаштириш-жисмоний тарбия ишларини йўлга қўйиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ тавсиялар берилди.

Кенгашда шаҳар Касаба уюшмалари кенгашининг раиси **М. Содиқов** қўшма қарорнинг шаҳар ҳокимлиги ёш авлод тарбиясига кўрсатаётган катта ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси эканлигини таъкидлаб, бу йилги болалар ёзги таътилини намунали ташкил этиш бўйича қатор мулоҳазаларни билдирди.

Кенгашни шаҳар ҳокимининг ўринбосари, болаларнинг ёзги дам олишига тайёргарлик кўриш ва уни таъминлаш бўйича шаҳар ҳайъати раиси **Э. Эрназаров** олиб борди.

*Ўз мухбиримиз*

# ДАВР САДОСИ

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

## МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ 18 май куни Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси бўлди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва давлат бюджетига маблағлар, шу жумладан, хорижий валюта тушумини кучайтиришга оид қарорларининг бажарилиши, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва давлатга тегишли акциялардан давлат бюджетига маблағлар келиб тушиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

◆ Матбуотда «Баҳолаш фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонун лойиҳаси эълон қилинди.

◆ АҚШ савдо вазирлигининг маслаҳатчиси Ян Калицки бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди.

◆ **Кеча** расмий ташриф билан Ўзбекистонга келган Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Жасвант Сингх Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.

◆ Тошкент иқтисодиёт университетида талабаларнинг анъанавий республика олимпиадаси бўлиб ўтди.

◆ Пискент туманидаги «Жанубий» автополигонида автомобиль спорти бўйича Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи босқичи ниҳоясига етди.

◆ Тошкент шаҳри мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган анъанавий «Ўзбекистон қўшиқ байрами» якунланди.

◆ 18 май куни Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да «Нефть ва газ — 99» кўргазмаси очилди.

◆ Қибрай туманида Американинг «Пай-холдинг» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган янги қўшма корхона маҳсулот бера бошлади.

## ЖАҲОНДА

◆ Россия Федерацияси Давлат думасида президент Борис Ельцинга нисбатан импичмент жараёнини қўзғаш тадбирлари амалга ошмади. Махсус комиссия ва гувоҳлар чиқишларидан сўнг импичмент эълон қилиш масаласи овозга қўйилди. Бироқ импичмент бошлаш учун зарур бўладиган 300 овоз тўпланмади.

◆ **Бугун** Россия Давлат Думаси С. Степашинни бош вазир лавозимига тасдиқлаш масаласини кўриб чиқади.

◆ **Кеча** Москвада Президент Борис Ельцин ва Испания Бош вазири Х. М. Аснарнинг учрашувлари чоғида Болқон муаммолари муҳокама этилди.

◆ **Бугун** Боннда Косово бўйича «Катта саккизлик» мамлакатларининг сиёсий директорлари учрашуви бўлиб ўтиши кўзда тутилган. Кўрилаётган бундай чораларга қарамай Югославияни бомбардимон қилиш давом этмоқда.

◆ Покистонда рўй берган портлаш ва бензин ташувчи машинада содир бўлган ёнғин сабабли 70 киши ҳаётдан кўз юмди, 70 киши эса оғир тан жароҳати олди.

◆ Ливан ҳукумати мамлакат тарихида биринчи марта хусусийлаштириш бўйича қонун лойиҳасини муҳокама қилишга киришди.

◆ Эрон Президенти Муҳаммад Ҳотамий расмий ташриф билан Саудия Арабистонига келди.

◆ Португалия ҳукумати Гвинея-Бисаунинг яқинда куч билан ҳокимиятдан четлаштирилган президенти Жоа Бернад Виейрага сиёсий бошпана берадиган бўлди.

◆ Конго Демократик Республикаси ҳарбий ҳаво кучлари исёнчиларнинг мамлакат шарқидаги Гома шаҳрида жойлашган ҳарбий истеҳкомига кучли зарба берди. Натижада 28 нафар қўзғолончи нобуд бўлди, 15 киши жароҳатланди.

◆ 20-21 май кунлари Озарбайжон пойтахтида иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг 9-кенгаши бўлиб ўтади.

*Анжуманлар*

# АЁЛ, ОИЛА, ҲУҚУҚ

***Бектемир тумани маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти қошидаги ҳуқуқий маърифат тарғибот маркази, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Бектемир тумани хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида Олий Мажлиснинг XIV сессияси материалларига бағишланган «Аёл, оила ва ҳуқуқ» мавзуида семинар ўтказилди.***

Унда Адлия вазирлиги қонунчилик бошқармасининг бўлим бошлиғи Ғафур Сирожев, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Гулнора Иномжонова, юридик фанлари номзоди, доцент Марат Ғуломов, Бектемир тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Хайринисо Мирзажоновалар қатнашиб, аёл ва ҳуқуқ мавзуидаги қимматли фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Шунингдек, семинарда сўзга чиққанлар асосан Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиққан устувор вазифалар, Аёлларни эъзозлашнинг шарқона сабоқлари, Аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда маҳалланинг роли тўғрисида батафсил тўхталдилар.

**Оқил ҲУСАНОВ.**

# ОБУНА — ЙИЛ БЎЙИ

Ҳурматли муштарийлар, эслатиб ўтамиз, иккинчи ярим йиллик учун обуна бошланяпти.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»га**

обуна бўлиш нархи «Матбуот тарқатувчи» ёпиқ ҳиссадорлик жамияти бўлимларига:

| | | 1 ойга | 3 ойга | 6 ойга |
|---|---|---|---|---|
| якка обуначилар учун: | (инд 209) | 270 сўм | 810 сўм | 1620 сўм |
| ташкилотлар учун: | (инд 563) | 520 сўм | 1560 сўм | 3120 сўм |

«Тошкент оқшоми»га обуна бўлиш нархи «Тошкент почтамти» ҳиссадорлик жамияти бўлимларида

| | 1 ойга | | 3 ойга | | 6 ойга | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | уйга | а) қутисига | уйга | а) қутисига | уйга | а/қутисига |
| якка обуначилар учун | 287 | 250 | 861 | 750 | 1722 | 1500 |
| ташкилотлар учун | 681 | 578 | 2043 | 1734 | 4086 | 3468 |

Бундай нархларда «Оқшом»га фақат пойтахтликлар обуна бўлишлари мумкин. Республика бўйича «Оқшом»га барча алоқа бўлимларида обуна расмийлаштирилади. Газетамизга обунани расмийлаштириш учун газетхонлар турар жойларига қарашли алоқа бўлимларига мурожаат этишлари мумкин, у ерда уларга обуна нархи маълум қилинади.

*Иқтисодиёт*

# АСОСИЙ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

***Иқтисодий эркинлаштириш, яъни либерализм (лотинча liberalis — эркинлик) — бу давлатни иқтисодиётга аралашувини камайтиришга қаратилган устивор йўналишдир. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузаларида: «Иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштириш мақсади — биринчи навбатда давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш демакдир», дедилар.***

Маълумки, мамлакатда иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш давлатимиз салоҳиятини кўтариш учун катта омилдир. Кўп қиррали иқтисодиётимизнинг ҳамма соҳаларида эркинлаштириш муаммоси кўзга яққол ташланади. Энг аввало, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ҳукумат органларининг макроиқтисодий пропорцияларни ҳисобга олиб таклиф этган прогноз рақамларини инобатга олган ҳолда қайси маҳсулотни қанча ишлаб чиқаришни, уни кимга ва қандай нархда сотишни ўзи ҳал қилмоғи даркор. У ўз ишлаб чиқариш қувватларидан тўла ва оқилона фойдаланган ҳолда ички ёки ташқи бозор талабини қондирадиган товар ишлаб чиқаришни ёки хизмат турларини кўрсатишни ўзи мустақил танлайди. Бу борада ишлаб чиқариш учун керакли шартномалар тузиш учун тўла ҳуқуқ берилган. Бу, албатта, қонуний ҳужжатларда қайд этилган тартиб-қоидадир. Лекин амалда шу корхоналар берилган эркинликлардан тўлиқ фойдаланаяптиларми? Бизнингча, бу саволга йўқ деб жавоб берса тўғри бўлади.

Гап шундаки, олдинги тор тармоқдаги вазирликлар ўрнида ташкил топган концерн, уюшма ва корпорациялар ҳамон эскича маъмурий-буйруқбозлик тизимида ишлаб, корхоналарга реал ёрдам бериш ўрнига уларнинг хўжалик ишларига ҳар хил йўллар билан бевосита аралашмоқдалар. Бунинг устига республика ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳам четда турмаяпти, чунки уларнинг фикрича «зарур кўрсатмалар» ўз вақтида берилмаса, корхоналар издан чиқиб кетиши мумкин эмиш. Бас шундай экан, кўпгина корхоналарнинг молиявий аҳволи нега кундан-кунга ёмонлашиб бормоқда?

Тўғри, ислоҳотларнинг дастлабки даврида ана шу юқори бўғин тузилмаларининг маълум роли бор, хўжалик юритувчи субъектларга уларнинг ёрдами ҳам зарур эди. Ҳозир бозор иқтисодиёти қонун-қоидаларига мос келадиган, корхоналарнинг манфаатига тўла жавоб берадиган замонавий шаклдаги корпоратив тузилмалар — холдинг компаниялар, молия-саноат гуруҳлари, транс-миллий корпорациялар, концорциумлар, эркин иқтисодий зоналар ҳамда ҳар хил типдаги қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари кенг ривож топмоғи даркор. Республикада ана шундай тузилмаларнинг фаолиятини таҳлил қилиб, йўлларини ўрганиб чиқиб, амалиёт учун керакли тавсияномалар ишлаб чиқиш учун жуда зарур бошқарув мактаби — корпоратив бошқарув институти тузилса, айни муддао бўлур эди.

Бу нодавлат ва нотижорат шаклдаги маскан мамлакатдаги корпоратив тузилмаларнинг ишини юритишдаги ҳуқуқий ва иқтисодий масалалар бўйича амалиётдаги раҳбар ходимлар ва мутахассислар учун ҳам, илм-фан намояндалари учун ҳам жуда керакли илмий-таълим мактаби ролини бажариши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг негизи бўлмиш корпорациялар жуда муҳим роль ўйнайди.

Ҳукумат органлари ички ва ташқи интеграция ва кооперация жараёнларини айнан шу тузилмалар орқали амалга оширишади. Йирик корпорация ва компаниялар минглаб ўрта ва кичик корхоналарга, шу жумладан чет элдаги филиаллари ва шерикларига ҳам кооперация асосида буюртмалар беради. Шу билан кўпдан-кўп иш жойлари барпо бўлади, кўп минг одамлар ўз тақдирини ана шу корпорациялар билан боғлайдилар. Уларда вазирликларнинг сони ҳам унчалик кўп эмас, улар корпорация ва фирмаларнинг ишига деярли аралашмайди.

Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузасида давлат бошқарув тизимини ривожланган ва демократик мамлакатлар намунаси асосида, уларга ўхшатиб такомиллаштириш масаласини кўтардилар.

Шу боисдан бошқарув тизимидаги чуқур ўзгаришлар қилиш учун энг аввало давлатни иқтисодиётни тартибга солиш тизими ва хўжаликларни бевосита бошқарув тузилмаларини бир-биридан ажратган ҳолда қараб чиқишга тўғри келади. Ҳозиргача шу иккала вазифа бир қўлда қолмоқда.

Бизнинг фикримизча, йирик халқ хўжалиги комплексларини тартибга солиш учун ёқилғи ва энергетика, саноат ва ташқи савдо, транспорт ва коммуникация, қурилиш ва архитектура вазирликларини тузиш мақсадга мувофиқдир. Буларнинг олдинги бошқарув идораларидан фарқли томони шуки, энди янги вазирликлар ҳар хил маъмурий-буйруқбозликка чек қўйиб, корхоналарга ҳақиқий ёрдам берадиган ва уларнинг хўжалик фаолиятининг кенг тараққиёти учун керакли шарт-шароитни туғдириб берадиган бошқарув органлари бўлишлари керак.

Албатта, иқтисодиётнинг ҳозирги мураккаб шароитида хўжаликни тўғри бошқариш раҳбар ходимдан жуда катта маҳоратни талаб қилади. Ҳозир компетент раҳбар ўз касбини мукаммал эгаллаган ҳолда бизнес илмини, унинг икир-чикирларини тўла билиши керак, корпоратив тузилмаларда акциядорларнинг манфаатларини қандай қилиб ҳимоя қилишнинг уддасидан чиқа олиши лозим. Афсуски, кўпгина раҳбар ва мутахассис ходимлар ҳалигача халқаро стандартларга мос келадиган савдо-сотиқ шартномаларини тузишдан ҳамда бизнесрежа, менежмент ва маркетинг асосларидан етарлича хабардор эмас.

Юртбошимиз кадрлар масаласини ҳам мамлакат тараққиётида устувор йўналишлардан бири деб айтдилар. Шунинг учун марказда ҳам, вилоятларда ҳам кадрларни давр талабига тўла жавоб берадиган даражада тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини янада оширишни — энг долзарб масала деб қарамоғимиз лозим.

Умуман олганда, иқтисодий эркинлаштириш жараёнлари мавжуд муаммоларни таҳлил қилиб, пухта ишланган дастурлар ва қонуний базага таяниб, маълум даражада керакли муҳит яратилгандан сўнг босқичма-босқич амалга оширилиши лозим. Бу — ислоҳотларнинг Ўзбек моделига хос хусусиятдир.

Бу масалада шошма-шошарлик ҳам, сусткашлик ҳам мутлақо ярамайди. Тадбиркорга реал фойда бермайдиган ортиқча эркинлик кимга керак? Бундай эркинликни қандай баҳолаш керак? Ёки баъзи бир давлатлардаги «эркинликни ютолганингча ол» деган ҳолда ортиқча ваъдабозликдан нима фойда? Ёки бўлмаса, мумкин бўлган эркинлик (масалан, баъзи бир керакли имтиёз ва енгилликлар) ўз вақтида берилмасдан, бўлар-бўлмас сабабларни рўкач қилиб, расмиятчилик ва бошқа бюрократик тўсиқлар сабабли қанчадан-қанча ишбилармоннинг бозори барбод бўлаётир.

Демак, иқтисодиётни эркинлаштириш муаммосини тўла ва тўғри ҳал қилиш учун бу масалага ҳар томонлама кенг илмий изланишлар ўтказиб, вазиятни чуқур таҳлил қилган ҳолда ёндошиш зарур. Ҳар бир тармоқ ёки корхонанинг келажакдаги ривожланиш стратегиясина, уни замонавий технология билан жиҳозлаш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариб, уни ички ва ташқи бозорга олиб бориб сотиш ва шу каби бошқа актуал масалаларни фақат илмий томондан пухта ишлаб чиқилган стратегик дастурлар асосида ечишни тақозо қилади.

Хуллас, бозор иқтисодиёти шароитида янгича яшаш ва ишлаш учун бошқарув тизимини шакллантиришга давр талаби деб қараш лозимдир.

*Камол ЎЛЖАБОЕВ,*
*профессор, иқтисод фанлари доктори.*

---

*Бандлик*

# МАСЪУЛИЯТИМИЗ ЯНАДА ОРТДИ

***Юртимизда айни ишнинг қизғин палласи авж олмоқда. Айниқса олий ва ўрта махсус ўқув юртларида битирув кечалари, синов имтиҳонлари бошланмоқда. Жуда кўп ёшлар ёзги таътил кунларида ва доимий иш билан банд бўлиш мақсадида корхона, ташкилот ва фирмаларнинг эшигини қоқиб, қўнғироқлар орқали мурожаат этишмоқда. Мана шундай долзарб паллани тўла қонли ҳис этган Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси ва туман меҳнат биржалари томонидан босқичма-босқич бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар ярмаркаларини ўтказишмоқда.***



Яқинда Миробод туманида бўлиб ўтган ана шундай ярмарка жуда кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлди. Биз бу фикримизнинг нечоғли тўғри эканлигини ярмаркада иштирок этганлар билан суҳбатлашганимизда шоҳиди бўлдик.

**Ольга ТЕЛЕНА, «Сувсоз» трестининг ходимлар бўлими бошлиғи:**

— Меҳнат ярмаркасини босқичма-босқич ўтказилиши айни муддао. Чунки ҳозир мактаб ўқувчиларининг, студентларнинг ўқишларини тугаллаётган палла. Бу пайтда кўпроқ фарзандларимиз эмас, ота-оналар қаерларда иш бор экан, деган муаммо билан яшашади. Мана шундай вақтда корхона ёки ташкилот эмас, бизга кўпроқ меҳнат органи яқиндан ёрдам беради. Улар иш сўраб келган фуқароларга корхоналаримиздаги барча бўш ва янги яратилаётган иш ўринлари ҳақида тўлиқ маълумот бериб, ўзига хос тавсияларни ҳам тушунтиришади. Бизнинг трестимизда бўш иш ўринлари мавжуд . Уларнинг энг кам маошлари 1320 сўмдан то 4945 сўмгачадир.

Бу бўш иш ўринлари рассом, боғбон, юк ташувчи, чилангар, насос машинисти, фаррош, чилангар таъмирловчи, муҳандис-энергетик, муҳандис-механик ва бошқа механикликка ихтисоси ва ишлашга хоҳиши борларга мўлжалланган. Бундай бўш иш ўринларининг пайдо бўлиши, трестимизнинг жойларда янги филиаллари очилиши натижасида вужудга келмоқда.

**Абдусамад ҲИДОЯТОВ, туман «Камолот» ёшлар жамғармаси раиси:**

— Туманимиздаги ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишида барча ташкилотлар қатори меҳнат биржасининг ҳам роли катта. Уларнинг ёрдамида жуда кўп ёшларимиз ҳунарли бўлишди, ўқув марказида бепул билим олиб малакаларини оширишди. Ярмаркани ўтказиш жараёнида ҳам ташкилотлардаги ва корхоналардаги бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотни билибгина қолмай, у ерга қандай ҳужжатлар зарур ва шарт-шароитлари ҳақидаги ахборотларни ҳам тўлиқ олишга эришдилар. Бундай уюшган ҳолдаги иш, албатта муваффақият сари одимлатишга ҳам шак-шубҳа йўқ.

**Лола ТИМКИНА, меҳнат органи раҳбари:**

— Ҳар бир ишга масъулият билан ёндошилса, ана шундагина муваффақиятга эришиш мумкин. Биз ҳам туманимиздаги барча корхона, ташкилот, муассаса, ўқув юрти билан узвий боғланган ҳолда иш юритиб, бўш иш ўринлари ва вакант лавозимларни аниқлаб, фуқароларга маълум қилаяпмиз. Айрим кичик корхона ва фирмаларда шартнома асосида вақтинчалик иш жойлари ташкил этилди. Бу борада «Сувсоз» трести «Сифат» қурилиш бошқармаси, «Фотон», «Қизил тонг» акционерлик жамиятлари, ободонлаштириш бошқармаси яқиндан ёрдам беришаётир. Айни вақтда 12 та корхонада мана шундай шартномавий иш жойидан 80 таси вужудга келди. Шунингдек, «Усто шогирд» услуби асосида республика ижодий маркази билан ҳамкорликда ёшларимизни ҳунарга ўргатиш борасида иш олиб бораяпмиз.

Меҳнат ярмаркамизда 60 та корхона, ташкилот, муассаса, 35 та маҳалла, 12 та мактаб ва ўқув юртлари иштирок этди. 1600 нафар фуқаро қатнашди. Шулардан 456 нафари ишга, 100 киши ўқиш учун йўлланма олишди. Йил бошидан бери, яъни тўрт ой ичида турли хил саволлар билан 3500 нафар фуқаро мурожаат этди. 2500 таси тўлиқ маслаҳат олди. 481 нафари рўйхатга қўйилди. 302 нафари ишга жойлаштирилди. 62 нафар турли ёшдаги фуқаро ўқишга, янги касб ўрганишга юборилди. 86 нафар фуқарога эса ишсизлиги борасида нафақа тайинланди. 10 та фуқаромизга эса муддатидан илгари пенсия тайинланди. Амалга оширилган бу ишлар шунчаки эмас. Бунинг масъулияти жуда катта. Шунинг учун ҳам биз туманимизда ишсизлик муаммосини бартараф этишга, ёшларнинг бўш вақтини беҳуда ўтказмасликлари учун имконлар яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Доноларимиз бежиз айтишмаган «Бекорчидан худо безор» деб. Гарчи шундай экан, биржамиз ходимлари иш ахтариб юрган ёшларга, касбини ўзгартирмоқчи бўлган фуқароларга қўлдан келган ёрдамимизни аямаймиз.

*Гулзода АБДУЛЛА қизи.*

*СУРАТЛАРДА: Миробод туманида бўлиб ўтган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасидан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*





---

*Ҳамкорлик*

# ХОРИЖГА ИШГА БОРМОҚЧИМИСИЗ?

***Бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳар бир давлат учун хориж билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ўзига хос муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки соғлом ҳамкорлик қандайдир маънода тараққиётнинг асоси десак тўғри бўлади. Мамлакатимиз бугунги кунда жуда кўплаб давлатлар, халқаро ташкилотлар, фирма ва компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳамкорликлар маълум бир йўналишдаги муассасалар, идоралар, вазирликлар доирасида ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан Меҳнат вазирлиги ҳозирги кунда қатор давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Вазирлик ходимлари яқинда Японияда бўлиб, бу мамлакатнинг меҳнат вазирлиги билан алоқаларни йўлга қўйишга асос яратишди. Мана шу ҳамкорликнинг мақсад ва моҳияти, йўналишлари ҳақида биз Меҳнат вазирлигининг халқаро алоқалар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Анвар Абдуҳалимов билан суҳбатлашдик.***

**— Меҳнат вазирлиги ходимлари Японияда сафарда бўлиб қайтишди. Шу сафардан кўзланган мақсад нима эди ва сафар давомида шу мақсадга эришилдими?**

— Японияга Меҳнат вазирлиги делегациясининг ташрифидан асосий мақсад Ўзбекистон фуқароларининг Япония корхоналарида касбга ўқитиш ва уларни бирор бир мутахассисликларга эга бўлиши соҳасида юбориш бўйича музокаралар олиб бориш эди.

Меҳнат вазирлиги делегациясининг Японияга ташрифи давомида бизнинг делегация Японияннинг халқаро касбга ўқитиш ташкилотининг раҳбарияти билан учрашувлар ўтказди. Учрашувлар давомида бир қанча ўзбекистонликлар ишлашига мўлжалланаётган корхоналар шароитлари билан яқиндан танишилди ва ҳамкорлик ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Японияга ташрифи давомида имзо чекилди.

**— Маълумки, вазирлик томонидан бир неча мамлакатларга бизнинг фуқароларимиз бориб ишлаб, малака ошириб келишаяпти. Шу маънода Японияга ҳам бундай имконият бундан буён бор, десак ҳам бўлади. Японияга борадиган бизнинг фуқароларимиз қайси соҳада у ерда малака ошириб ёки бирон бир соҳани эгаллаб келишлари мумкин?**

— Япония билан биз келажакда бир қанча йўналишларда ишларни амалга оширишни келишиб олдик. Қурилиш соҳасида, тўқимачилик, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, автомобиль саноати ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида бир қанча йўналишларни қамраб олади ва бу ҳамкорлик бир неча босқичлардан иборат. Биринчи босқичи, бизнинг вазирлик делегациямиз Японияга ташриф буюриб, у ердаги шароит билан яқиндан танишиб келди. Кейинги босқич эса Япония делегациясининг Ўзбекистонга ташрифидир. Яъни Японияннинг халқаро касбга ўргатиш ташкилоти делегацияси Тошкентда бўлди. Бу иккинчи босқич деб ҳисобланади. Учинчи босқичда биз республикамиздаги Япония билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирган ва ўзининг мутахассисларини касбга ўқитиш учун юбориш имкониятига эга бўлган корхоналар билан ҳамкорлик қилишни йўлга қўйишдан иборат бўлади. Тўртинчи босқичда биз биринчи гуруҳ мутахассисларимизни ёки ёшларимизни Японияга касбга ўқитишга юборамиз.

Қай тартибда фуқароларимиз чет элга чиқиши мумкин? Қандай ва қаерга мурожаат қилиши мумкин, деган савол туғилади. Меҳнат биржаларимиз ҳамма маълумотларга эга бўлишади. Демак, меҳнат биржаларига мурожаат қилинганда меҳнат биржалари ўша фуқароларни рўйхатга олиб ёзилиш тартиби билан ҳужжатларни ўрнатилган тартибда қабул қилиб, вилоят бошқармаларига юборилади. Вилоят бошқармалари бизнинг қошимиздаги меҳнаткаш муҳожирлар бўйича ваколатхонага тақдим қиладилар. Шу йўсинда кейин ҳужжатлар Японияга юборилади. Фақат бир нарсани тасдиқлаб ўтмоқчи эдим, бу 4 та босқичдан иборат деб айтган эдим. Ҳозир биз 2 та босқичини амалга оширдик. Келажакда яна 2 та босқичи турибди. Демак, бу ишларнинг йўлга қўйилиши яна 2 та босқични амалга оширганимиздан кейин бошланади. Танлаб олинган корхоналар ёки меҳнат биржалари орқали фуқароларимиз хориж давлатларига, шунингдек, Японияга чиқиб, ишлаб, ўқиб келишлари мумкин.

**— Яъни бошқача қилиб айтганда сиз айтиб ўтган босқичлар амалга оширилганидан кейин меҳнат биржалари рўйхатида турадиган, расман ишсиз мақомини олган фуқаро Японияга бориб ишлаб келиш имкониятига эга бўлиши мумкин экан-да?**

— Албатта. Бу йўналишда биз кўп ишларни олиб бораяпмиз. Фуқароларимиз ўзлари яшаб турган жойларидан узоқ бўлмаган меҳнат биржаларига мурожаат этсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Республикамизнинг ҳар бир ҳудудини қамраб олиш мақсадида барча ҳудудларга бу нарсани тақсим қилиб берганмиз.

*Отабек ДАВРОНБЕКОВ.*

---

*Олий ўқув юртларида*

# ЖОН ТЕМИЛТОН ЖАМҒАРМАСИ ҲОМИЙЛИГИДА

***Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида очилган «Мустақиллик ва озодлик» халқаро лойиҳаси дастури ўқув курси ўзининг дастлабки битирувчиларини учирма қилди. Унда фаол қатнашиб, курс машғулотларини тўла адо этган талабалардан бир неча нафари эса «Халқаро муносабатлар» деб номланган сертификатга эга бўлди.***

Гап шундаки, АҚШнинг олтита университетида Жон Темилтон халқаро жамғармаси ҳомийлигида «Мустақиллик ва озодлик» лойиҳаси бўйича маърузалар ўқиб келинмоқда. Бу олий ўқув юртлари қаторига Ўзбекистон жаҳон тиллари университети ҳам қўшилди. Бундай шарафга эга бўлиш учун олий ўқув юрти Жон Темилтон халқаро жамғармаси махсус грантини қўлга киритди.

«Мустақиллик ва озодлик» лойиҳаси дастури учун бериладиган грантлар тажриба модели сифатида хизмат қилади. Америкалик профессор Э. Шенкел томонидан ўқилган маърузалар ҳам мазкур дастур доирасида амалга оширилди. Университет олимлари томонидан ташкил этилган машғулотлар Ўзбекистон тарихида мустақиллик концепциясини ўрганиш ва уни жаҳондаги бошқа йўриқномалар билан қиёслашга бағишланди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, халқаро лойиҳа дастури бўйича университетда махсус ўқув курси иш бошлади. Унинг дастлабки битирувчиларига сертификатлар топшириш маросими Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб ўтди.

*Акбар АЛИЕВ.*

---

*Текширувлар*

# АЙБДОРЛАР ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

***Шаҳримиздаги савдо шохобчаларида ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда назорат касса аппаратидан фойдаланиш борасида солиқ назорати инспекцияларининг ходимлари текширишлар олиб бориб, қонунга хилоф равишда қилинаётган ишларни аниқлашмоқда. Биз Юнусобод тумани давлат солиқ инспекцияси савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг назорат қилиш бўлими бошлиғи Нодир Сайфутдинов билан суҳбатлашганимизда у қуйидагиларни гапириб берди:***

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилингандан кейин жиддий ишга киришилди. Туманимизда 970 та савдо, умумий овқатланиш ва автомобиль ёнилғи қуйиш тармоқлари мавжуд. Савдо дўконларида кундалик эҳтиёж учун керак бўладиган саккиз турдаги маҳсулотларни тартибга солиб, уларнинг доимий пештахталарда бўлишини ташкил этиш борасида назорат кучайтирилди. Текширувлар натижасида ана шу савдо дўконларида, жамоа корхоналарида, маиший хизмат, умумий овқатланиш ва ёнилғи қуйиш шохобчаларида йўл қўйилаётган хатоликларнинг гувоҳи бўлдик. Бу камчиликларни кўра била туриб амалга оширган шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Масалан, Юнусобод тумани 13-мавзедаги «Сўғдиёна-саховат» жамоа корхонасига қарашли 34-дўконда назорат касса аппарати ишлатилган ҳолда харидор ҳақига хиёнат қилинган. Боз устига давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан дўкон кўздан кечирилганда сифат сертификати бўлмаган бир неча турдаги маҳсулотлар савдо пештахталарида турганлиги аниқланиб, инспекция ихтиёрига олинди. Камчиликлар юзасидан дўкон сотувчиси М. Ориповга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 164-моддасининг 1-қисмига мувофиқ 6.600 сўм миқдорида жарима солинди.

«Дил Жасур» хусусий корхонасига қарашли дўконда кундалик эҳтиёж учун зарур ҳисобланган 8 турдаги маҳсулотларнинг барчасидан борлиги текширилганда харидор билан ўзаро ҳисоб-китоб ҳам назорат касса аппарати орқали амалга оширилди. Лекин харидор ҳақидан уриб қолганлиги аниқланди. Юқоридаги ҳар иккала дўкон хизматчилари «Юнусобод савдо» жамоа корхоналарига қарашли 33-сонли дўконнинг намунали ишидан ибрат олсалар яхши бўларди. Бу ерда ҳамма талаблар рисоладагидек. Савдо назорат касса аппаратлари ёрдамида олиб борилади. 8 турдаги маҳсулотлар бежирим қилиб қадоқлаб қўйилган. Шунинг учун харидорлар ҳам дўкон хизматидан хурсанд.

Аҳолига намунали маиший хизмат кўрсатиш бугуннинг талабларидан бири. Шу нуқтаи назардан қараганда туманда бундай корхоналарнинг сони ошиб бораётганлиги диққатга сазовор. Ҳозир туманда 280 та маиший хизмат кўрсатиш бўлимлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммасида ҳам касса аппаратлари ўрнатилган, лекин қонун-қоида асосида ишлаяпти, дея олмаймиз. Айниқса пойабзал таъмирлаш устахоналари ҳамда «Зангори экран» акционерлик жамиятига қарашли устахоналарда аҳвол ачинарли. Уларнинг аксариятидаги нуқсон битта. Мижоздан юқори миқдорда хизмат ҳақи олинмади-ю аммо умумлашган бўлимга топшириладиган маблағ ҳамиша кам бўлиб чиқаверади.

Мисол учун «Арсенал-Авиа» хусусий фирмасига қарашли автомат ўйингоҳида, Тошкент шаҳар аҳолига гараж ва техник хизмат кўрсатиш корхонасининг 17-устахонасида, «Зангори экран» акционерлик жамиятига қарашли 13-мавзе, 3-уйда жойлашган телерадиоаппаратура ва пойабзал таъмирлаш устахоналарида, «Скарлет» сартарошхонасида, «Дурдона либоси» хусусий фирмасида ана шундай ҳолатларни кўришимиз мумкин. Корхоналарнинг бу кўзбўямачиликлари устидан жиноий иш қўзғатилди. Айримларидан жарима ундирилди.

Бундай нуқсонлар мавжуд бўлган савдо ва маиший хизмат шохобчалари рўхатини истаганча давом эттиришимиз мумкин. Ўйлаймизки, улар юқоридагилардан тегишли хулоса чиқариб, ишда жиддий бурилиш ясайдилар. Қолаверса, улар бундай ножўяликлар туман солиқ хизматчилари эътиборидан қочиб қутула олмаслигини унутмасинлар. Идорамиз хизматчиларининг синчков ва қатъиятликлари туфайли савдо ва маиший хизмат кўрсатишдаги нуқсонлар аста-секинлик билан бўлса-да, бартараф этилмоқда.

*Гули АБДУЛЛАЕВА.*

---

*Куюнчаклик билан ёзилган*

# «ЁҚМАСА ТУШИБ ҚОЛИНГ»

***«Отчопар» бозоридан қайтар эканман, эшиги ёнида «Метро, метро, ҳозир кетади» деб тинмай йўловчиларни чорлаётган йигитчанинг бақириғидан қулоғим қоматга келди.***

«Ҳозир юрадиган бўлса, шу автобусга ўтиракқолай» дедиму чиқиб ўриндиқлардан бирига чўкдим. Лекин йигитча чорлашни қўймади, автобус йўловчилар билан тўлмагунча жойидан жилмади.

Автобус юриб келаётганда ҳам йигитчанинг «Метро, метро, кетаяпмиз» деган бақириғи тинмади. Лиқ тўла автобуснинг эшиклари ёпилиши билан ана ўша «бақироқ» йигитча «Қани кира ҳақини тўлаворинглар-чи» деб, ҳаммадан пул йиғиб чиқа бошлади.

— Сиздан «книжка» эмас, пул сўраяпман, ота, — деди у ҳужжат кўрсатган қарияга.

— Ахир буни давлат берган, ҳамма автобусларга ўтади, сеникига ўтмайдими, — бироз жаҳли чиқди отахоннинг.

— Нега тушунмайсиз, бу автобус хусусий, давлатники эмас, — деди пул йиғувчи ҳам бўш келмай, — ҳеч қандай ҳужжат-пужжат кетмайди. Қани 20 сўм чиқаринг. Бизда ҳам план бор...

— План бўлса, нега чипта сотмайсан, — гап қотди бир киши. — Ўзингнинг «план»инг ошиб-тошиб кетса керак. Шу биргина қариядан пул олмасанг, «план»инг тўлмай қоладими?

— Ёқмаса тушиб қолинг, ака, автобус хусусий, пули эса нақд. Бўлмаса сиз тўланг... — шартта жавоб берди у.

Хуллас, анча-мунча тортишувлардан сўнг қария йўл ҳақини тўлашга мажбур бўлди. Йигитча эса ҳеч нарса бўлмагандай, яна пул йиғишга тушиб кетди. Бошқа йўловчилар ҳам пул узатишар экан, 50—60та йўловчининг ичида шу биргина қариянинг кўнглини оғритган йигитчага бошқача қараб қўйишарди.

Метронинг «Собир Раҳимов» бекатига келган, барча йўловчилар автобусдан тушишди. Мендан аввал ҳассасини дўқиллатиб кетаётган мўйсафиднинг ортидан кетар эканман, йигитнинг унга қилган қўпол муомаласидан яна бир бор нафратланиб кетдим. Рост-да шу биргина чолнинг 20 сўми билан бойиб кетармиди у. Ахир халқимизда «Сен фақирга бирни берсанг, худо сенга мингни беради» деган гап бор-ку. Наҳотки, кунига юзлаб одамларни «Отчопар» бозорига етказиб, минглаб сўм пул топаётган ишбилармон ҳайдовчилар кунига 5-6 та йўловчига саховат кўрсата олмаса?!.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*

